У 2012 йил июнь ойдан Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси мудирини вазифасида ишлаб келмоқда. Кафедрада ўқитиладиган фанлардан ўқув-услубий мажмуалар тайёрлаш, ўқув режасидаги фанларни ўқув-услубий таъминотини амалга ошириш, илғор педагогик ва ахборот технологияларни ўқув жараёнига қўллаш ишларига бевосита раҳбарлик қилмоқда.

Айни вақтда кафедрада иқтидорли талабалар фаолиятини ташкил этиш ва уларни илмий жараёнга жалб этиш ишларида бевосита иштирок этиб, илмий-услубий маслаҳатлар бериб келмоқда. Унинг ташаббуси билан кафедра қошида иқтидорли талаба клуби ташкил этилган, ҳар ойда икки мартабадан клуб йиғилишлари ўтказилиб, унда профессор-ўқитувчилар талабаларга илмий-тадқиқот ишлари олиб боришнинг услублари тўғрисида маъруза ва давра суҳбатлари ўтказишмоқда.

Б.А. Талапов Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедрасида 2008 йилдан буён даврий равишда чоп этиб келинаётган “Салоҳият”, “Салоҳият- Мезон” номли илмий тўпламнинг муҳарири, ZiyoNet тармоғига жойлаштириладиган интернет

ресурслари эксперт комиссияси аъзоси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

У кафедранинг профессор- ўқитувчиларининг корпоратив ҳамкорлик алоқаларини кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Ҳозирда кафедра жамоаси 13 та корхона ва ташкилотлар билан корпоратив ҳамкорлик ўрнатган.

Б. Талапов 2003 йили Малайзиянинг Мара университетидида “Замонавий ахборот коммуникация технологиялари ва улардан самарали фойдаланиш” йўналиши бўйича малака оширган. Б. А. Талапов ТЕМПУС дастурининг TuСАНЕА - “Марказий Осиё Олий таълим кенглигини яратиш йўлида структурал адаптация ва таълим сифатини ошириш” грантининг аъзоси, шунингдек, у Европа Иттифоқи Комиссиясининг Эрасмус + лойиҳаси доирасида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ, Резекне технология академияси (Латвия), Лондон Метрополитан Университети (Буюк Британия), Пелопоннес Университети (Греция), Ўзбекистондаги Британия Кенгаши ва республикамиздаги 7 та олий таълим муассасалари билан биргаликда “Ўзбекистонда олий таълим жараёнларини модернизациялаш” мавзусидаги 2016-2018 йилларга мўжалланган лойиҳанинг фаол аъзосидир.

Шу билан бирга у “А2ФА-016730” рақамли грантнинг аъзоси ҳисобланади. Мазкур грант доирасида 2015 йил “Ижтимоий-маънавий мерос ва унинг Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги ўрни” номли монографияни ҳаммуаллифда чоп эттирди.

Б. А. Талапов 2001, 2014 йиллари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Кўп йиллик самарали ва ҳалол меҳнати ҳамда ўз хизмат вазифасига бўлган садоқати учун” Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.

### Маматов Обидхон Ваққосович



Маматов Обидхон Ваққосович 1962 йил Наманган вилояти Чуст тумани Қизилтепа қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. 1969 йил шу қишлоқдаги 40-саккиз йиллик мактабга ўқишга борди. 1977 йил саккиз йиллик мактабни тамомлаб 1977-1979 йилларда Улуғбек номидаги 29-ўрта мактабда тахсил олди.

1979 йилдан 1980 йил май ойигача Шредер номи бoғдорчилик савхозида ишчи бўлиб ишлади. 1980-1982 йилларда Украинанинг Краматорск шаҳрида ҳарбий ҳаво кучлари қўшинида ҳарбий хизматни ўтаган.

Ҳарбий хизматни тамомлаб Чуст маҳанизациялашган кўчма колоннасида дурадгорлик вазифасида ишлади. 1983-1988 йиллар ТошДУ (ЎЗМУ)нинг «фалсафа-иқтисод» факультетида фалсафа ихтисослиги бўйича тахсил олди.

1988 йилдан бошлаб НамДУ фалсафа кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи ва доцент вазифасини бажарувчи лавозимларида ишлаб келди.

2005 йил сентябр ойидан 2012 йилгача Наманган Давлат университети “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари”

кафедраси мудир лавозимида ишлаб келган. Ҳозирда кафедра доценти, мутахассислиги бўйича – файласуф, фалсафа фанлари номзоди.

Маматов илмий тадқиқотчилик соҳасида ҳам самарали иш олиб борди. У миллий истиқлол ғояси йўналишида Республикада биринчилардан бўлиб “Мустақиллик мафқурасининг шаклланишида ворислик муаммоси” мавзусидаги номзодлик диссертациясини 2002 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Фалсафа ва Ҳуқуқ институтида ҳимоя қилди.

Илмий тадқиқот фаолияти ғоявий муносабатлар ҳамда жамоатчилик фикри муаммоларини тадқиқ этиш билан бевосита боғлиқ. У Миллий истиқлол ғоясининг шаклланиши ва ривожланиши қонуниятларини, ворислик нуқтаи-назаридан мустақиллик, ватан-парварлик ва миллий ўзликни англаш тушунчаларининг ўзаро боғлиқлигини тадқиқ қилди. Тадқиқот натижаларига кўра 60 дан ортиқ илмий ишлар чоп эттирди. Республика илмий – амалий конференцияларида иштирок этди. У фалсафа муаммоларига бағишланган 2 та рисола ва бир неча услубий қўлланмалар муаллифидир.

Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари кафедраси мудир лавозимида қисқа даврда бор кучини эркинлик ва унинг турмуш тарзи ва ахлоқий муносабатлар билан боғлиқлик жихатларига қаратган. У талаба ёшлар орасида сиёсий-мафқуравий ва ҳуқуқий онгни шакллантириш муаммоси бўйича тинимсиз фаолият олиб боради.

У Наманган вилояти аҳолиси орасида миллий гоя тарғиботида фаол иштирок этмоқда. Доимо ўз эътиборини талаба ёшлар тарбиясига қаратади. Диний экстремизм, ватанпарварлик ва ҳуқуқий мавзуларда қизгин суҳбат олиб бормоқда.



### Умаров Жумабой Абдувалиевич

1959 йил 10 декабрда Андижон вилояти Шахрихон туманида туғилган. Маълумоти олий, 1983 йилда

Тошкент давлат университетининг ҳуқуқшунослик

йўналишини имтиёзли тамомлаган.

1983-1989 йилларда Андижон вилоят адвокатлар хайъати аъзоси, адвокат, 1990-1993 йилларда Андижон вилояти Мархамат тумани суди раиси, 1994-1997 йилларда Андижон вилояти, Андижон шаҳар юридик маслаҳат хонаси адвокати, 1997-2002 йилларда, Фарғона давлат университети юридик факультети ўқитувчиси, катта ўқитувчиси, 2002-2010 йилларда Наманган давлат университети фуқаролик ҳуқуқи ва процесси кафедраси катта ўқитувчиси, 2011-2014 йилларда Наманган давлат университети ҳуқуқшунослик кафедраси катта ўқитувчиси.

2014 йилдан бошлаб ҳазирги кунга қадар - Наманган давлат университети Миллий гоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси кафедраси катта ўқитувчиси лавозимида ишлаб келмоқда. Педагогик фаолияти билан биргаликда 2005-2015 йилларда Наманган давлат университети ҳуқуқшуноси лавозимида ишлаган ва

университетда меҳнат интизоми, ички-тартиб қоидалар ва қонучиликка риоя қилиш масалаларида ўз ҳиссасини қўшиб келган.

Унинг илмий тадқиқот ишларининг асоси йўналиши фуқаролик ишларининг тааллуқлиги, судга тааллуқлиги, судловга тегишлиги муаммоларини тадқиқ қилишга қаратилган. Мазкур илмий йўналишларда 30 дан ортиқ илмий мақолалари Республика ва олий таълим муассасалари миқёсидаги нашр этиладиган илмий журналлар ва илмий назарий анжуманлар тўпламларида чоп қилинган.

Унинг асосий фаолияти амалиёт билан назарияни бирга қўшиб олиб боришга йўналтирилган.

Ҳозирда у талабаларга “Фуқаролик ҳуқуқи”, “Оила ҳуқуқи”, “Солиқ ҳуқуқи” ва “Тадбиркорлик ҳуқуқи” фанларидан сабоқ бериб келмоқда.

### **Акаева Марапат Абдухаликов**



Акаева Марапат Абдухоликовна 3-сентябрь 1960-йилда Андижон вилояти, Қўргонтепа туманида ишчи оиласида туғилган. 1977-йилда 10-синфни тугатиб, Тошкент юридик техникумига ўқишга кирди. Ўқишни тамомлаб, қишлоқ хўжалик бошқармасида юрист-маслаҳатчи лавозимида ишлади.

1987-йилда Тошкент Давлат Университетининг юридик факультетига ўқишга кириб, 1992-йилда мазкур университетни тамомлади. 1994-йилдан Андижон Давлат университетига юрист

маслаҳатчи, 1996-йилдан бошлаб эса фалсафа кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлаб келди.

1998-йилда эса Фарғона давлат университети Ҳуқуқшунослик факультети “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси катта ўқитувчиси, 2003-йилдан бошлаб Наманган давлат университетининг Ҳуқуқшунослик факультетининг “Фуқаролик ҳуқуқи ва процесси” кафедрасида катта ўқитувчи, 2009- 2011-йилларда эса шу кафедра мудири лавозимида ишлади.

2001-йилда “Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилишнинг ҳуқуқий муаммолари” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. Унинг илмий ишларининг асосий йўналиши фуқаролик ҳуқуқида шартномалар тузиш муаммоларини тадқиқ қилишга қаратилган, айниқса контрактация шартномаси, фьючерс шартномаси бўйича илмий-амалий маслаҳатлар ёритилди, илмий мақолалар нашр қилди.

2007-йилда эса “доцент” илмий даражасини олди. 2004-йилдан то 2010-йилгача Ҳуқуқшунослик факультетининг хотин-қизлар қўмитаси раиси вазифасида фаолият юритди.

2007-йилда “Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи” фанидан ўқув қўлланма, ҳамда “Ер кодексига шарҳлар”, 2009-йилда эса “Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи” фанидан ҳаммуалифликда дарслик китоб нашр эттирди. 2014-йилда эса “Хўжалик процесси”, “Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи” фанларидан ўқув услубий қўлланмалар яратди.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008-йил 30-апрелдаги 116-сонли “Олий таълим



муассасаларида 2008-йил талабалар Республика фан олимпиадасини ташкил қилиш ва ўтказиш ҳақида”ги буйруғига асосан 2008-йил 16-май куни Тошкент давлат юридик институтида ўтказилган Ҳуқуқшунослик фанидан Республика талабалар фан олимпиадасига талаба Ниёзхўжаев Қахрамонни тайёрлаб, фахрли 2-ўринни олди.

Ҳозирги кунда эса “Миллий ғоя, манавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедрасида катта ўқитувчи лавозимида ишлаб келмоқда, шу кафедра жамоат ишларида актив қатнашиб, кафедра хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимида ҳам жамоатчилик асосида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Акаева М.А. “Фуқаролик ҳуқуқи”, “Конституциявий ҳуқуқ”, “Халқаро ҳуқуқ. Хорижий мамлакатлар конституциявий ҳуқуқи”, “Ҳуқуқшунослик. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси” фанларидан дарс бериб келмоқда. Иш фаолияти даврида 40 дан ортиқ илмий мақолалар яратди.

### Қозоқов Тоҳиржон Қодиралиевич



1969 йил 27 февралда Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги Шаханд қишлоғида туғилган.

1986 йил тумандаги 35-ўрта мактабни “Олтин медаль”

билан тамомлаб, шу йил Низомий номидаги Тошкент

давлат педагогика институтининг Тарих факультети кундузги бўлимига ўқишга қабул қилинган. 1993 йил институтни имтиёзли диплом билан тугатди. 1993-1994 йилларда тумандаги 35-ўрта мактабда тарих фани ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1994-1995 йилларда

Наманган давлат университетининг «Ўзбекистон тарихи» кафедрасида кабинет мудири лавозимида ишлади. 1995-1998 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти кундузги бўлим аспирантурасида таҳсил олди. 1999-2000 йилларда эса, шу институтнинг «Тарихшунослик, манбашунослик ва илмий библиографик ахборот» бўлимида кичик илмий ходим лавозимида меҳнат қилди. 2001 йил «XX аср бошларида Фаргона водийсидаги ижтимоий - сиёсий аҳвол ва жадидчилик ҳаракати» мавзусидаги тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациясини ҳимоя қилди. 2001-2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони қошидаги Республика «Ёш Олимларининг Миллий Жамияти» Марказий Кенгаши аъзоси. 2003-2006 йилларда Наманган давлат университет докторантурасида таҳсил олди. Бугунги кунда университетнинг «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими» кафедрасида доцент лавозимида фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, «Ўзбекистон тараққийпарварларининг Совет давридаги ижтимоий-сиёсий фаолияти (1917-1918 йиллар)» мавзусидаги докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда. Тоҳиржон Қозоқовнинг республика матбуоти, илмий журнал ва тўпламларида илмий ва оммабоп мавзуларга бағишланган 50 дан ортиқ мақолалари чоп этилган. Шунингдек, Наманган вилоят телерадиокомпаниясининг кўрсатувларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Оилали 3 нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи Нилуфар Имомбердиева Наманган шаҳридаги 27-умумтаълим мактабида бошлинғич синф ўқитувчиси лавозимида ишлайди.

## Ибраҳимов Баротжон Ботирович



1981 йилнинг 24 апрелида Чуст шаҳри зиёлилар оиласида туғилди. маълумоти: Олий.

Ибраҳимов Баротжон Ботирович 2006 йили Наманган давлат университетининг Ватан тарихи ихтисослиги бўйича магистратурани тамомлаган.

Ибраҳимов Баротжон Ботирович 2006 йилдан Наманган давлат университет «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» кафедраси ўқитувчиси лавозимида иш бошлаган.

Бугунги кунда НамДУнинг «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими» кафедрасида ўқитувчи лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

Кафедрада у миллий ғоя, очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик ҳавфсизлик, нотиклик санъати ва нутқ маданияти фанларидан дарс бериб келди. 2010 йилнинг апрель ойида Фарғона давлат университетида “Миллий ғоя, маънавият ва ижтимоий иқтисодий тараққиёт” махсус курсида, 2010 йилнинг ноябр ойида Наманган давлат университетида “Педагогик технология ва педагогик маҳорат” махсус курсида, 2013 йилнинг ноябр 2014 йил феврал ойларида Наманган давлат университетида “Инглиз тили” махсус курсида, 2015 йилнинг март ойида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш таълим марказида “миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” махсус курсида малака ошириб қайтди.

Ибраҳимов Баротжон Ботирович университетда ишлаш даврида кенг кўламли илмий тадқиқот ишларини олиб борди. 2012-2015 ўқув йили давомида режага мувофиқ, Халқаро ва республика миқёсидаги конференцияларда 45 та илмий-назарий мақола ва тезислар чиқарди ва нашрга тайёрди. Булардан 3 таси хорижий, 11 таси Республика ва 31 таси ОТМ миқёсидаги илмий-назарий мақола ва тезислар чоп қилинган. Жумладан 2014 йили Grabau –Stiftung (Hrsg) Forschungsberichte:Entwicklungen in Uzbekistan. Sammelband, 2014 Wissenschaftliche Schriftenreihe: Band бда “Oriental Oratory”, “Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов”Ежемесячный научный журналида “Внешние и внутренние отношения Бухарского ханства с Россией” номли, 2015 йили “Молодой учёный” Ежемесячный научный журналида “Общественно-философская мысль в Средней Азии (XVI–XVIIв.)” номли мақолалари хориждаги журналларда нашр қилинган. Бу ишларнинг асосий қисми мамлакатимиз ёшларида нутқ маданиятини шакллантириш, миллий ғояни инсон онги ва қалбига сингдириш бўйича республикамизда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятларни тадқиқ қилишга бағишланган.

Айни вақтда кафедрада иктидорли талабалар билан биргаликда 10 дан ортиқ мақолаларни чоп эттирди.

Ибраҳимов Баротжон Ботирович ташаббускор, у доимо ўзига юклатилган барча вазифаларни ўз вақтида сифатли ва виждонан бажариб келади.

Ибраҳимов Баротжон Ботирович кафедрада талабаларнинг малакавий ва педагогик амалиёт ўтказиш бўйича масъул шахс

хисобланади. Шу кунгача бир қатор амалиёт объектлари бўйича , жумладан Наманган вилоят адлия бошқармаси, Наманган шаҳар ички ишлар бошқармаси, Наманган вилоят фуқаролик суди, Наманган вилоят суд ижро департаменти, Наманган вилоят фуқаролик суди, Наманган вилоят Баркамол авлод болалар маркази, Наманган вилоят “Маҳалла” хайрия жамоат фондлари билан амалиёт шартномаларини тузиш ва талабаларнинг бу объектларда амалиёт ўташларини ташкил этишда фаол қатнашади.

Тошбулоқ саноат ва хизмат кўрсатиш коллежида “Йигитлик бурчи,” “Баркамол авлод-юрт келажаги пойдевори,” “Куч адолат-дадир,” “Сайлов ва ёшлар,” ”Мафкуравий иммунитет ва ғоявий курашчанлик,” “Оммавий маданият- маънавият кушандаси” мавзусидаги тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этган.

1 август куни ўтказиладиган тест синовлари бўйича ўқув семинарларини Наманган шаҳар 18-сонли умум ўрта таълим мактабида ташкил этди.

Вилоятимиз миқёсида бир қатор жамоат ишларида фаол иштирок этади. Жумладан, Чуст туман Дўстлик маҳалласида маҳалладошлар кенгашида тадбирларида мунтазам қатнашади.

“Сайлов ва ёшлар”, “1 декабрь – бутунжаҳон СПИДга қарши кураш куни, “Диний оқимлар ва секталарнинг мақсад-муддаолари”, “14 январ Ватан химоячилари куни”, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг тараққий этишидаги ижтимоий – маданий, иқтисодий жабҳаларида олиб борилаётган ишлар юзасидан гуруҳ талабалари билан биргаликда давра суҳбатлари ўтказди.

Дарс ўтиш жараёнида замонавий ахборот технологиялари ва педагогик технологиядан фойдаланишга ҳаракат қилади.

Миллий ғоя, маънавият ва ҳуқуқ таълими йўналиши йўналиши 4-курс 401-гуруҳ талабаларига раҳбарлик қилмоқда. “Наманган давлат университети одоб-ахлоқ қоидалари” билан курсидаги барча талабаларни таништирган, Хафтанинг ҳар сешанба кунлари гуруҳ талабалари ўртасида университет маънавий - ахлоқий тарбия бўлими томонидан белгиланган мавзуларда маънавият соатларини ўтказди. Талабалар турар жойида белгиланган жадвал асосида навбатчилик қилиб турли мавзулардаги суҳбатларида иштирок этади. Гуруҳидаги талабалар турар жойида яшовчи ва ижарада турувчи талабаларнинг яшаш шароити, у жойдаги ижтимоий- маънавий муҳитдан доимо хабардор бўлиб туради.

### Мирзахмедов Хуршид Абдирашидович

1984 йилнинг 14 мартида Наманган шаҳри зиёлилар оиласида туғилди. Миллати: Ўзбек, маълумоти: Олий.



Мирзахмедов Хуршид Абдирашидович 2008 йили Ўзбекистон Миллий университетининг

Фалсафа факультетини Замонавий ғарб фалсафаси ва тарихи ихтисослиги бўйича магистратурани тамомлаган.

Мирзахмедов Хуршид Абдирашидович 2009 йилдан Наманган давлат университети «Миллий ғоя, ҳуқуқ ва маънавият асослари»

кафедраси ўқитувчиси лавозимида, 2015 йилдан катта ўқитувчи лавозимида ишлаб келмоқда.

Кафедрада Миллий гоё, Ижтимоий фалсафа, Гоёлар фалсафаси, Маънавий-маърифий ишлар ва уни ташкил этиш методикаси фанларидан дарс беради. У ўқув жараёнларига янги педагогик технолгиялар ва ахборот технологияларини қўллашга асосий эътибор қаратган. Хусусан, у ўқув машғулотида даврида Музёраб, “Муаммоли вазият” технолгияси, нутқ махоратидан кенг фойдаланади. Ҳар бир дарс машғулотида ахборот технолгиясини қўллаб ўтишга ҳаракат қилмоқда.

Мирзахмедов Хуршид Абдирашидович педагогик фаолият билан бир вақтда илмий-тадқиқот ишларини биргаликда олиб бормоқда. Мирзахмедов Хуршид Абдирашидович Ўзбекистон Миллий университетида 2008 йил «Л.Фейербахнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари» мавзуидаги магистрлик илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациясини ҳимоя қилди. 2012-2015 ўқув йили давомида режага мувофиқ, Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан рўйхатга олинган «Ёшларда толерантлик маданиятини ривожлантиришда оилани ўрни» (ижтимоий-фалсафий таҳлил) мавзусидаги 09.00.03 - Фалсафа тарихи мутахассислиги бўйича фалсафа фанлари доктори диссертация мавзуи юзасидан илмий тадқиқот фаолияти ва халқаро ва республика миқёсидаги конференцияларда 45 та илмий-назарий мақола ва тезислар чиқарди ва нашрга тайёрди. Булардан 11 таси хорижий, 12 таси Республика ва 19 таси ОТМ миқёсидаги илмий-назарий мақола ва тезислар чоп

қилинган. Бу ишларнинг асосий қисми мамлакатимиз ёшларида толерантлик маданиятини ривожлантиришда оилани ўрни масаласи бўйича республикамизда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятларни тадқиқ қилишга бағишланган. Мазкур илмий, ўқув-услубий ресурслар «ZiyoNET» ахборот тармоғига, Fikr.uz тизимига 30 та илмий мақолалари жойланган.

Мирзахмедов Хуршид Абдирашидович 2012 йилнинг январь-феврал ойларида “Истеъдод” жамғармасида “Инноватцион технологиялар, Ахборот технологиялари ва масофали ўқитиш, Юксак маънавиятли баркамол шахс мезонлари, Баркамол авлодга йўналтирилган миллий тарбия технологияси” махсус курсларида малака ошириб қайтди. 2014 йил ноябр ойида ФарДУ хузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакаларини ошириш минтақавий марказида гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар йўналиши бўйича малака ошириб қайтди. 2016 йилнинг март ойида “ИНТУИТ” Миллий очиқ университетида “Microsoft Office Word 2010, Microsoft Office PowerPoint 2010, Работа в интернете” қисқа муддатли масофали курслардан ўтди. Унга бириктирилган фанлар ихтисослиги ва сертификат ҳужжатларига тўла мос тушади.

Мирзахмедов Хуршид Абдирашидович 2015 йилда Замонавий педагогик технологияларга асосланган “Ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш” номли ўқув қўлланмасини яратиш мавзусида Ўзбекистон Республикаси фан-техника тараққиётининг устиворликлари доирасида Республикада инновация фаолиятини янада кенгайтириш



мақсадида бажарилиши 2016-2017 йилларга мўлжалланган амалий лойиҳасини грант-танловига топширди.

Хозирги кунда Мирзахмедов Хуршид Абдирашидович Наманган қурилиш ва дизайн коллежи билан Миллий ғоя тарғиботи буйича турли хил маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келмоқда.

Мирзахмедов Хуршид Абдирашидович академик гуруҳга раҳбарликни амалга ошириш билан бирга, кафедра қошида фаолият кўрсатиб келаётган “Ёш тарғиботчи” фан тўғарагида фаолият кўрсатиб келмоқда. У ўзига университет ва факультет раҳбарияти томонидан юклатилган барча вазифаларга жиддий муносабатда бўлади, уларни ўз вақтида бажаради.

Мирзахмедов Хуршид Абдирашидович табиатан меҳнатсеварлиги, ташаббускор, у доимо ўзига юклатилган барча вазифаларни ўз вақтида сифатли ва виждонан бажариб келади.

### **Тиллаев Бобомурод Абдуваҳобович**



1979 йил 18 сентябрда Наманган вилояти, Чуст туманида таваллуд топган. 1986-1996 йилларда Наманган вилояти, Чуст туман ХТБга қарашли 17-сонли умумий ўрта мактабда таҳсил олиб ва имтиёзли аттестат билан тамомлаган.

Келажакда тарихчи бўлиш мақсадида 1996 йили Низомий номли Тошкент давлат педагогика университетининг “Тарих” факультетига ўқишга кирди. Ўқиш давомида юқори салоҳиятли устозлардан сабоқ олиб, билим ва кўникмаларини оширди. Тиллаев

Бобомурод Абдувахобович талабалик даврида ўзининг интилувчанлиги, тиришқоқлиги ва берилган топшириқларни ўз вақтида виждонан бажариши билан узтозлар меҳрини қозонди. 2000 йили олий даргоҳни имтиёзли диплом билан тамомлади. Шундан сўнг Наманган вилояти, Чуст туман ХТБга қарашли 17-сонли умумий ўрта мактабида педагогик фаолиятини бошлади. 2002-2003 йиларда муддатли ҳарбий ҳизматни Тошкент шаҳрида ИИБ нинг ҳарбий қисмларида ўтади.

2004 йили билим ва салоҳиятини янада ошириш мақсадида Наманган давлат университетининг “Ватан тарихи” мутахассислигига кириш имтиҳонларини топширди. Синовлардан мувофақиятли ўтиб, “Ватан тарихи” мутахассислиги бўйича магистрант сифатида ўқишини давом эттирди. 2006 йили магистр даражасини олиб, шу йили Наманган давлат университетининг Тарих факультети “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” кафедрасида ассистент-ўқитувчи сифатида иш фаолиятини бошлади. Шу даврда йўналиш талабаларига ҳамда, университет факультетларининг бошқа йўналиш талабаларига ўқув машғулотларини олиб борди. Ўқув юклагаси бўйича тақсимланган фанларда қўшимча ўқув материалларидан таёриланиб, дарсларни мазмунли олиб бориш мақсадида янги педагогик технология усубларидан фойдаланади. Давлат таълим стандарти асосида йўналиш талабаларини ўқув малакавий амалиёти ва педагогик амалиётига раҳбарлик қилиб келмоқда. 2008 йили февраль ойида ЎзМУ қошидаги Олий педагогика институтида “Миллий ғоя, маънавият асослари” бўйича малака оширган.

Ўқитаётган фанлари бўйича намунавий дастурлар асосида ишчи дастурлар, ўқув – услубий мажмуалар тайёрлаб келмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг тараққий этишидаги ижтимоий – маданий, иқтисодий жабҳаларида олиб борилаётган ишлар юзасидан гуруҳ талабалари билан биргаликда давра суҳбатлари ўтказади. У ўз иш фаолияти давомида бир қатор публистик – илмий мақолалар тайёрлаб, уларни нашр эттирди. Гуруҳ талабалари ўртасида университет маънавий - ахлоқий тарбия бўлими томонидан белгиланган мавзуларда маънавият соатларини ўтказади. Талабалар турар жойида белгиланган жадвал асосида навбатчилик қилади. Гуруҳдан талабалар турар жойида яшовчи ва ижарада турувчи талабаларнинг яшаш шароити, у жойдаги ижтимоий- маънавий муҳитдан доимо хабардор бўлиб туради.

2010 йили Наманган давлат университети томонидан эълон қилинган Тарих факультети “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” кафедрасининг ўқитувчи лавозими танловида иштирок этди ва танловдан мувофаққиятли ўтиб, ўқитувчи лавозимида ўз фаолиятини давом эттирди. 2012 йил 20 февралдан 14 июнгача Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий Педагогика институтида “Фалсафа” бўйича тўрт ойлик касбий қайта тайёрлов курсида малака ошириб, қайта тайёрлов курси якунида “Фалсафа” фанларидан дарс ўтиш ҳуқуқини берувчи дипломини олди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 25 декабрдаги 483-сонли буйруғига билан тасдиқланган университет профессор-ўқитувчилари малакасини оширишнинг 2015 йил режаси

бажарилишини таъминлаш мақсадида НамДУ ректорини 2015 йил 26 февралдаги 122 ш/т сонли буйруғига асосан 2015 йил 2-мартдан 31-мартгача Низомий номидаги ТДПУ ҳузуридаги ПК ҚТ ва уларнинг МОТМда “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналиши бўйича малака оширди.

2014 йил 21-декабр куни бўлиб ўтган Наманган вилоят, шаҳар ва туман кенгаши депутатлигига сайлов жараёнида 32-сайлов округ комиссия аъзоси таркибида фаол иштирок этган.

2015 йил 29 март куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёнида 92-сайлов участкасида раис ўринбосари сифатида фаол иштирок этган.

Шунингдек Наманган шаҳар қурилиш ва дизайн КХКда талаба ёшлари билан биргаликда Миллий ғоя тарғиботи бўйича 10 ортиқ тадбирлар ўтказган.

Б. Тиллаев фаол илмий тадқиқот ишларини амалга ошириб келмоқда. У ўтган даврда хорижда, Республика ва олий ўқув юрти миқёсидаги илмий назарий конференцияларда ўзининг маърузалари билан қатнашди. Унинг муаллифлигида 30 дан зиёд илмий мақолалари чоп қилинди. 2016 йили 2 март куни Наманган давлат университети томонидан эълон қилинган Ижтимоий-иқтисодий факультети “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедрасининг катта ўқитувчи лавозими танловида иштирок этди ва танловдан мувофақиятли ўтиб, катта ўқитувчи лавозимида ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

## Қамбаров Абдужаббор Бохролиевич



1980 йилнинг 27 сентябрда Наманган вилоят Мингбулоқ тумани Гулбоғ Қ.Ф.Й Қозоқовул маҳалласи ишчилар оиласида туғилди. Миллати: Ўзбек, маълумоти: Олий Қамбаров Абдужаббор Бохролиевич 2009 йили Наманган давлат университетининг Ватан тарихи ихтисослиги бўйича магистратурани тамомлаган. Қамбаров Абдужаббор Бохролиевич 2009 йилдан Наманган давлат университет «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» кафедраси кабинет мудири лавозимида, 2011 -2013 йилларда “Демократик жамият қуриш назария ва амалиёти. Фалсафа” кафедраси стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси, у мазкур даврда Ўзбекистон Миллий университети “Миллий ғоя ва ижтимоий фалсафа” кафедраси профессори, ф.ф.д. Ф. Мусаев раҳбарлигида “Ўзбекистонда Конституционализм ва демократик тараққиётнинг турли масалалари” мавзусида илмий иш олиб борди. 2013 йилдан “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедраси ўқитувчиси вазифасида ишламоқда.

Кафедрада у Миллий ғоя, асосий тушунча ва тамойиллар, Очик ахборот тизимларида ахборот-психологик ҳавфсизлик фанларидан дарс бериб келди. 2012 йил 27 ноябр куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон леберал-демократик партияси Ижроий Кенгаши тамонидан “Ёш олимлар ва тадқиқотчилар” Республика танлови иштирокчиси сифатида сертификат билан тақдирланди. 2013 йилнинг ноябр 2014 йил феврал ойларида Наманган давлат университетида “Инглиз тили” махсус курсида, 2014 йилнинг март ойида Фарғона давлат университетида “Миллий ғоя, маънавият ва ижтимоий иқтисодий

тараққиёт” махсус курсида малака ошириб қайтди. Унга бириктирилган фанлар ихтисослиги ва сертификат ҳужжатларига тўла мос тушади.

Қамбаров Абдужаббор Бохролиевич университетда ишлаш даврида кенг кўламли илмий тадқиқот ишларини олиб борди. 2013-2015 ўқув йили давомида режага мувофиқ, Халқаро ва республика миқёсидаги конференцияларда 27 та илмий-назарий мақола ва тезислар чиқарди ва нашрга тайёрди. Булардан 1 таси хорижий, 12 таси Республика ва 14 таси ОТМ миқёсидаги илмий-назарий мақола ва тезислар чоп қилинган. Жумладан 2015 йили “Молодой учёный” Ежемесячный научный журналда “Научное знание в системе духовных ценностей” номли мақолалари хориждаги журналда нашр қилинган. Бу ишларнинг асосий қисми мамлакатимиз ёшларида миллий ғояни инсон онги ва қалбига сингдириш бўйича республикамизда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг ўзига хос хусусиятларни тадқиқ қилишга бағишланган.

Айни вақтда кафедрада иқтидорли талабалар билан биргаликда 7 дан ортиқ мақолаларни чоп эттирди.

Қамбаров Абдужаббор Бохролиевич ташаббускор, у доимо ўзига юклатилган барча вазифаларни ўз вақтида сифатли ва виждонан бажариб келади.

Қамбаров Абдужаббор Бохролиевич кафедрада маънавий – маърифий ишлар бўйича масъул шахс ҳисобланади.

Тошбулоқ саноат ва хизмат кўрсатиш коллежида йигитлик бурчи, баркамол авлод-юрт келажаги пойдевори, куч адолатдадир, касбга йўналтириш бўйича суҳбат, сайлов ва ёшлар, мафкуравий

иммунитет ва ғоявий курашчанлик, оммавий маданият маънавият кушандаси номли тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этади.

Вилоятимиз миқёсида бир қатор жамоат ишларида фаол иштирок этади. Жумладан, “Сайлов ва ёшлар”, “1 декабрь – бутунжаҳон СПИДга қарши кураш куни”, “Диний оқимлар ва секталарнинг мақсад-муддаолари”, “14 январ Ватан химоячилари куни”, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг тараққий этишидаги ижтимоий – маданий, иқтисодий жабҳаларида олиб борилаётган ишлар юзасидан гуруҳ талабалари билан биргаликда давра суҳбатлари ўтказди.

2014 йилги Намангандаги Баркамол авлод спорт мусобақасининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимларида ўз талабаларининг иштирокини таъминлашда фаол қатнашган.

Дарс ўтиш жараёнида замонавий ахборот технологиялари ва педагогик технологиядан фойдаланишга ҳаракат қилади.

Миллий ғоя, маънавият ва ҳуқуқ таълими йўналиши йўналиши 2-курс 209-гуруҳ талабаларига раҳбарлик қилмоқда. “Наманган давлат университети одоб-ахлоқ қондалари” билан курсидаги барча талабаларни таништирган, Хафтанинг ҳар сешанба кунлари гуруҳ талабалари ўртасида университет маънавий - ахлоқий тарбия бўлими томонидан белгиланган мавзуларда маънавият соатларини ўтказди. Талабалар турар жойида белгиланган жадвал асосида навбатчилик қилиб турли мавзулардаги суҳбатларида иштирок этади. Гуруҳидаги талабалар турар жойида яшовчи ва ижарада турувчи талабаларнинг яшаш шароити, у жойдаги ижтимоий- маънавий муҳитдан доимо хабардор бўлиб туради.



### **Саримсоқов Бегзод Холмахаммадович**

1987 йилнинг 25 январида Наманган вилояти Учқўрғон тумани Қўғайўлмас қишлоғида зиёли оилада туғилган. Миллати ўзбек.

Саримсоқов Бегзод Холмахаммадович 1995 йилда Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги Ғ.Ғулом номли 19 ўрта мактабнинг 1 синфига қабул қилинди. 2006 йилда ўрта мактабни тамомлади. 2006 йилда Наманган давлат университетининг Ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга қабул қилинди. 2010 йилда ушбу олий ўқув юртининг бакалавриат, 2012 йилда магистратура босқичини тамомлади. 2012 йилда Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги “Муроджон-Махмуджон” фермер хўжалиги ҳуқуқшунос маслаҳатчиси ва Учқўрғон “Агробизнес ва сервис” касб-хунар коллежида соатбай тарзида Ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси лавозимида 2014 йилнинг 9 январига қадар ишлади. 2014 йилнинг 9 январидан ҳозирги вақтгача НамДУ “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедрасида ўқитувчи лавозимида ишлаб келмоқда.



### **Чубоева Озодахон Қувонбековна**

1965 йил 18 декабрда Наманган вилоят Янгиқўрғон туман Новкент қишлоқ фуқаролар йиғини худудида таваллуд топган.

Янгиқўрғон туманидаги 23-ўрта мактабда аъло баҳоларга ўқиган. 1985-1987 йилларда Тошкент социал таъминот техникумида ўқиб имтиёзли тамомлади.



1992 йилда Тошкент давлат юридик институтини имтиёзли тугатиб, шу институт аспирантурасига ўқишга кирган.

1995 йил ТошДЮИ аспирантурасини тугатиб, Наманган давлат университетидида очилган ҳуқуқшунослик бўлимида дарс беришдан фаолиятини бошлаган.

1997 йилдан университетда дарс бериш билан бирга Наманган шаҳар судида архив мудири вазифасида, кейин Наманган вилоят хўжалик судида катта суд статисти вазифаларида ҳам фаолият олиб борган.

1999-2001 йилларда педагогик фаолият билан бирга Наманган вилоят Адвокатлар хайъатида тажриба ўргандим ва адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш учун адвокатлик лицензиясига эга бўлди. Хозирга қадар адвокатлик фаолияти билан шуғулланмоқда.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражасини юқори даражага кўтаришда ҳуқуқий - тарғибот ишларини такомиллаштиришда фаолият олиб бормоқда.

Шу йиллар давомида 100 дан ортиқ илмий-оммавий мақола, рисола, ўқув-услубий кўрсатмалар чоп эттирди. Электрон дарслик ва мажмуаларни электрон вариантларига муаллифи.

“Халқ-давлат ҳокимияти манбаи (назарий-ҳуқуқий муаммолар)” мавзусида номзодлик иши устида иш олиб бормоқда.

Оилали, икки нафар фарзанднинг онаси.

Давлатимизда олиб борилаётган модернизация ва ислоҳотлар мазмунини, қонунчиликдаги янгиликларни ҳуқуқ-тартибот ходимлари билан ҳамкорликда вилоят миқёсида тарғиботини амалга оширмоқда.



### Бокубаев Камиль Юльчибаевич

1965 йил 12 апрель куни Фарғона вилоят Кўкон шаҳрида ишчи деҳқон оиласида туғилган.

1972-1982-йилларда Кўкон шаҳар 17 сонли ўрта мактабнинг тамомлади, 1983 йилда харбий хазматга юборилди. 1985 – йилда харбий хазматни тамомлаб Тошкент Давлат университетининг Хуқуқшунослик факультетига биринчи курсга ўқишга қабул қилинди. 1990 йилда ўқишни тамомлаб, Фарғона вилояти Данғара тумани Матлубот жамиятлар уюшмасига юрист вазифасига ишга қабул қилинди. Бу вазифани 1994- йилда тамомлаб шу йилнинг март ойидан Фарғона вилоят Фурқат тумани прокурор ёрдамчиси лавозимига ишга тайинланди. 1996-йил сентябрь ойидан Фарғона давлат университетида таълим соҳасида фаолият олиб бориб, 2005 йил сентябрдан бошлаб Наманган давлат университети Хуқуқшунослик факультети Жиноят ҳуқуқи ва процесси кафедраси катта ўқитувчи вазифасида ишлаб келмоқда. Оилалик, уч нафар фарзандлари бор.



### Замилова Римма Рамильевна

1982-йил 30-майда Туркменистон Республикаси, Мари шаҳрида туғилди. Миллати – татар. Рус тилида эркин ёзади ва сўзлашади, инглиз тилини луғат ёрдамида ёзади ва сўзлаша олади.

Отамси – Замилов Рамиль Исмаилович, 1961 йил Наманган шаҳрида туғилган. 2-гурӯх ногирони (Илгари Наманган шаҳри тўқимачилик комбинати ишчиси бўлиб ишлаган), Онам – Пирова

Зоҳре Бегджановна, 1965 йил Туркменистон Республикаси Мары шаҳрида туғилган, Наманган механик ва машинасозлик заводи ходими бўлиб ишлайди.

Замилова Римма 1999 йилда Наманган шаҳаридаги 56-ўрта мактабни тамомлаб, 1999-2003 йиллари Наманган давлат университетида Тарих факультетида ўқиб, шу университетни имтиёзли диплом билан тамомлади. 2003-2005 йиллар давомида Наманган давлат университети Тарих факультетининг магистратурасида ўқишни давом эттирди. 2005 йилда 02-сентябрдан Наманган давлат университетида педагогик фаолиятини ўқитувчиликдан бошлади. Ф.ф.д. В.А. Алимасов илмий раҳбарлигида “Герои и героическое: этико-философский анализ” мавзусида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. 2011 йил 26 августдан ҳозирги вақтгача Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедрасида ўқитувчи лавозимида ишлаб келмоқда.

Илмий-педагогик фаолияти давомида 18 та илмий, 1 та ўқув-услубий, 1 та монография ишлари чоп этилган. Ҳозирги кунда тарих, Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иши, Жисмоний маданият, хорижий филология йўналиш талабаларига “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар”, тарих, Рус тили, Славян филолог йўналиши талабаларига “Очиқ ахборот тизимларида ахборот психологик хавфсизлик” фанларидан дарс бериб келмоқда. Ушбу фанлардан тайёрлаган маъруза матнлари, амалий машғулотлар учун ишланмалар, электрон ўқув-услубий мажмуалар ўқув жараёнига татбиқ этилган.



## Абдуллаев Акмал Насриддинович

1985 йил 25 сентябрда Наманган вилояти Уйчи туманидаги Уйчи қишлоғида туғилган. 1991-2002 йилларда тумандаги 26-ўрта мактабда таҳсил олган, 2003 йилда Наманган давлат университетининг Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари таълим йўналиши талабаси бўлиб, 2007 йилда университетни имтиёзли диплом билан тугатди. 2007-2009 йилларда эса Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетининг Фалсафа факультетини Миллий истиқлол ғоясининг фалсафий масалалари ихтисослиги бўйича магистратурани тамомлаган. Абдуллаев Акмал Насриддинович 2009 йилдан Наманган давлат университет “Миллий ғоя, ҳуқуқ ва маънавият асослари” кафедраси ўқитувчиси лавозимида, 2014 йилдан катта ўқитувчи лавозимида ишлаб келмоқда.

Ҳозирги кунда “Ижтимоий тараққиёт назарияларининг шаклланиши ва истиқболни белгилашда таърифларнинг ўрни” мавзусидаги докторлик (PhD) диссертацияси устида иш олиб бормоқда. Акмал Абдуллаевнинг республика матбуоти, илмий журнал ва тўпламларида илмий ва оммабоп мавзуларга бағишланган 40 дан ортиқ мақолалари чоп этилган. Шунингдек, Наманган вилоят телерадиокомпаниясининг кўрсатув ва эшиттиришларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Оилали 2 нафар фарзанди бор. Турмуш ўртоғи Абдуллаева Асила Уйчи туманидаги Маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида ўқитувчи лавозимида ишлайди.

### **Қозиходжаев Жумаходжа Хамдамходжаевич**



Юридик фанлари номзоди. 2010 йилда НамДУда фаолият бошлаган. Иш фаолияти давомида 20 та илмий мақолалар ёзган. Улардан 8 таси ОАК тан олган журналларда, 1 таси халқаро илмий-амалий конференцияда, 2 таси Республика илмий-амаалий конференциясида. 2 та давлат гранти асосида ўқув амалий қўлланма нашр эттирган. 3та грант азсоси. Немис тилини луғат ёрдамида биледи. Компьютер технологиясини яхши биледи. Ўзининг профессионал маҳоратини оширишга алоҳида эътибор беради. Факультет ва кафедрада ўқув-услубий ишларнинг талаб даражасида амалга оширилишига муносиб ҳиссасини қўшиб келади. Жамоат ишлари билан мунтазам шуғулланади. Ташкилотчилик қобилиятига эга. Иш жараёнида масалаларни ечиш учун барча имкониятларни ишлата олади, қўл остидаги ходимларни самарали ишлатади.

### **Жиянов Мирзахмад Хасанбоевич**



1963 йил 15 июлда Фарғона вилоятида таваллуд топган.

1991 йил Патрис Лумумба номидаги Халқлар Дўстлиги университетининг Ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. 1991-1994 йй П.Лумумба номидаги Халқлар Дўстлиги университети жиноят ҳуқуқи ва процесси кафедраси аспиранти, 1994-2002 йй Фарғона Давлат университети ҳуқуқшунослик факультетида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири, декан ўринбосари, 2002-2003 йй Наманган Давлат университети фуқаролик ҳуқуқи ва процесси кафедраси мудири, 2003-2005 йй Наманган Давлат университети конституциявий ҳуқуқ кафедраси

мудир, 2005 йилнинг 15 июнидан буён Наманган Давлат университети Хуқуқшунослик факультети декани лавозимида ишлади. 2013 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссияси унга юридик фанлари доктори илмий даражасини берди. Бевақт ўлим туфайли истеъдодли олим 2013 йил оламдан ўтди.



### **Норқўзиев Содиқжов Ҳақимович**

1948 йил 12 июлда Наманган вилояти, Наманган туманида туғилган. 1977 йил, Москва давлат университетини тамомлаган. Фалсафа фанлари номзоди доцент. 1977-1981 йй. - Наманган давлат педогогика институти “Фалсафа” кафедраси ўқитувчиси.

1981-1984 йй. - Тошкент давлат педогогика университети аспиранти, 1984-2009 йй. - Наманган давлат педогогика институти “Фалсафа” кафедраси доценти, 2010-2011 йй - Наманган давлат университети “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” кафедраси доценти, 2011 й. – 2016 йилгача - Наманган давлат университети “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедраси доценти лавозимларида ишлади. Ҳозир нафақада. Юздан ортиқ илмий мақола ва монографик асарлар муаллифи.



### **Ҳусайнов Акмал Жўрахонович**

1945 йил 8 мартда Наманган шаҳрида туғилган. 1972 йил, Тошкент давлат университетини тамомлаган. Журналист. Фалсафа фанлари номзоди, доцент. 1965 йил “Фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг XX йиллиги” медали билан тақдирланган. 1962-1967 йй. -

Тошкент авиакорхона ишчиси, 1966-1972 йй. - Тошкент давлат университети талабаси, 1970-1975 йй. - Наманган вилояти радио-эшиттириш кўмитасида катта муҳаррири, 1975-1977 йй. - Тошкент Олий партия мактабининг тингловчиси, 1977-1978 йй. - “Наманганская Правда” вилоят газетасининг махсус мухбири, 1978-1990 йй. - Наманган туман, вилоят партия кўмиталарининг бўлим бошлиғи, 2008 й.-2015 йилгача - Наманган давлат университети “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедраси доценти лавозимларида ишлади. Ҳозир нафақада. Юзлаб илмий мақолалар ва монографик асарлар муаллифи.



### Бозоров Эгамберди

1941 йил 21 февралда Наманган вилояти, Наманган туманида туғилган. 1964 йил, Наманган давлат педагогика институтини тамомлаган. Фалсафа фанлари номзоди, доцент. 1964-1966 йй. - Наманган вилоят, Уйчи тумани, Жийдакапа қишлоғидаги тарбияси оғир болалар колонияси ўқитувчиси, 1966-1968 йй. - Наманган вилоят, Уйчи тумани, Жийдакапа қишлоғидаги тарбияси оғир болалар колонияси бошлиқ ўринбосари, 1968-1970 йй. - Наманган вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институти кабинет мудири, 1970-1973 йй. - Наманган вилояти «Билим» жамияти референти, 1973-1994 йй. - Наманган вилояти Илмий атеизм уйини директори, 1994-2001 йй. - Наманган муҳандислик иқтисодиёт институти ўқитувчиси, 2001-2012 йилларда Наманган давлат университети “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедраси доценти лавозимида ишлаган. Ҳозирда нафақахўр. Кўплаб илмий мақола ва рисоалар муаллифи.

## МУНДАРИЖА

МИЛЛИЙ ҒОЯ, МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚ	
ТАЪЛИМИ КАФЕДРАСИ .....	3
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ .....	10
ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ .....	12
ХОРИЖИЙ АЛОҚАЛАР .....	16
ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР БИЛАН ИШЛАШ .....	18
КАФЕДРАНИНГ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ .....	37



**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги**

**Наманган давлат университети**

**МИЛЛИЙ ҒОЯ, МАЪНАВИЯТ**  
**АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИ**  
**КАФЕДРАСИ**

---

**“Fazilatortextservis” хусусий босмахонасида чоп этилди.**  
**Манзил: Наманган шаҳар, А.Навоний кўчаси, 19-уй.**

